Ушбу сонда:

2 УЧҚУДУҚНИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

3 ИШДАГИ ШИКАСТЛАНИШ
Унинг туб сабаблари нимада?

4 «ПАХТАОЙ»ДА ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ ВАХТ

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 29 июн, жума №99 (1113)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

САВДО, МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ВА АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни касб байрамингиз - Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий мубораквод этаман.

Дунёда шарафли ва савобли ишлар, масъулиятли ва мураккаб вазифалар кўп. Лекин уларнинг ичида ҳар бир инсон, ҳар бир оила кунига неча бор юзма-юз келадиган савдо ва хизмат кўрсатиш ходимларининг ўзига хос меҳнати алоҳида аҳамиятга эга, десак, муболаға бўлмайди. Доимо эл-юрт хизматида бўладиган бу касб эгаларининг аҳоли эҳтиёжини таъминлаш, дастурхонимизни тўкин, хонадонларимизни файзли, мамлакатимизни обод этиш мақсадида тинимсиз меҳнат қилиши фикримизни яққол тасдиқлайди.

Истиқлол даврида савдо ва тижорат борасидаги миллий анъаналаримиз қайта тикланиб, савдогарлик, дўкондорлик каби қадимий касблар ривож топгани, савдо, матлубот ва маиший хизмат тармоқлари тўлиқ хусусийлаштирилиб, мулкдорлар синфи шакллана бошлагани бу соҳалар иқтисодиётимизда салмоқли ўрин эгаллаб, тараққиёт сари дадил қадам қўяётганимиздан далолат беради.

Айниқса, шаҳар ва қишлоқларимизда халқимиз эҳтиёжига хизмат қиладиган замонавий бозорлар, мухташам супермаркетлар, юксак талабларга жавоб берадиган маиший хизмат бинолари қад кўтараётгани, товарлар ва хизмат турлари кўпайиб бораётгани, хусусий тадбиркорлик, савдо ва тижорат ривожланаётгани, бу эса ўз навбатида одамларимиз, ҳар бир оиланинг ҳаёт даражасини ошираётгани алоҳида эътиборга сазовор.

Сир эмаски, савдо, маиший хизмат ва сервис тармоқларининг улуши тараққий топган давлатларда ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисмини ташкил қилади. Чунки бу соҳалар халқнинг кундалик талаб ва эҳтиёжларини таъминлайдиган, ҳар қандай жамиятнинг тараққиёт ва маданият даражасини кўрсатадиган тармоқлардир. Биз ҳам дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган фаровон ҳаётга интилаётган эканмиз, ана шундай тараққиёт марраларига эришишни ўз олдимизга аниқ мақсад қилиб қўйишимиз зарур.

Айни пайтда ҳаётимизга ва иқтисодиётимизга чуқур кириб бораётган бозор муносабатлари товарлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш маданиятини янада ошириш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, ҳалол ва пок меҳнат билан элимизни рози қилиш, нафақат пойтахтимиз ва марказий шаҳарларимизда, балки юртимизнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳам савдо ва хизмат сифатини яхшилаш бўйича ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Ишончим комилки, сизлар ота-боболаримизнинг савдо ва тижорат, элга хизмат қилиш борасидаги анъаналарини давом эттириб, «Инсоф сари - барака» деган ҳикматга амал қилиб, зиммангиздаги вазифаларни сидқидилдан адо этасиз.

Сизларни бугунги байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, касбу корингизга ривож тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 10-Чуқурсой, 31-Баликчи, 46-Пойтуғ, 118-Пайариқ, 133-Сардоба, 139-Термиз, 147-Сариосиё, 152-Олмалиқ, 177-Қайнар, 217-Қарши, 219-Ғузор, 220-Деҳқонобод, 221-Қамаши, 236-Яккабоғ сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатлари сайловини 2001 йил 29 июл, якшанба кунига тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

«Бандлик дастури» амалда

Бўка туманида ишсиз юрган ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Туман меҳнат бўлими томонидан уюштирилган ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ёшларга ўзларини қизиқтирган касблар бўйича зарур маълумотларни олишлари учун шарт-шароит яратиб беришдан иборат эди. Унда 22 ташкилотдан 106 та иш ўринлари кўргазмага қўйилди.

Намойиш этилаётган иш ўринларига назар ташласангиз, асосан хусусий корхоналарда янги ишчиларга талаб катталиги кўзга ташланади. Ваҳоланки, биргина шу йилнинг ўзида Ғ.Азаматов номли хўжаликдаги учта ўрта мактабни юздан ортиқ ёшлар тугалладилар. Демак, уларнинг аксариятига турли касб-кордаги янги иш ўринлари зарур. Шу маънода меҳнат ярмаркаси ташкил этилгани айни муддао бўлди.

Яна шуни айтиш жоизки, жорий йилда меҳнат бўлими томонидан 173 нафар киши рўйхатга олиниб, ишга йўналтирилган бўлса, шундан 42 нафари хусусий тармоққа ишга жойлашди, давлат ташкилотларига 6 нафар кишига йўлланма берилди, қолганлари якка тартибдаги меҳнат турига хоҳиш билдиришди. Ўтган йили эса 300 нафар киши якка тартибда меҳнат фаолиятини бошлаганди. Амалдаги йилнинг ўтган ойлари маълумотларига қараганда бу йил якунида юқоридаги кўрсаткич янада ўсади.

Тумандаги ишлаб чиқариш ва хусусий корхоналар билан доимий равишда алоқада бўлиб бораётган меҳнат бўлими ходимлари кундалик фаолиятларида бу ерга мурожаат этувчиларга иш ўринлари ҳақида маълумотлар бериб, уларнинг қизиқишларига қараб, йўлланмалар билан таъминламоқдалар. Шу йилнинг ўтган ойларида мурожаат этган ёшларнинг 80 фоизи рўйхатга олинди, қолганлари ўз касби ёки танлаган касби бўйича ишга йўналтирилди. 32 нафар киши ишсиз сифатида рўйхатга олиниб, нафақа тайинланди.

Бўлимда 22 нафар масъул ходим меҳнат қилади. Бошлиқ Муҳаммадали Бектурғоновнинг таъкидлашича, аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун асосида ҳар ойда ходимлар билан 10-16 соатли амалий ўқув машғулотлари ўтказиб борилади. Ходимлар ойлик ва ҳафталик иш режалари асосида фаолият юритадилар.

Меҳнат бўлимининг асосий мақсади маҳалла оқсоқоллари, қишлоқ фуқаролик йиғинлари орқали жойларда ишсиз юрган ёшлар билан суҳбат ўтказиш, хоҳиш билдирганларни иш ўринларига йўллашдан иборат. Шу ўринда айтиш жоизки, меҳнат ярмаркаларини ташкил этиш яхши самаралар бермоқда. Хусусан, шундай ярмаркада 38 нафар киши иш билан таъминланди.

Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Шу азиз Ватан — барчамизники

ФЕСТИВАЛДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Маънавият ва маърифат кенгаши, Бадиий академия ҳамкорлигида ташкил этилган «Шу азиз Ватан-барчамизники» фестивали давом этмоқда. Бу галги фестивал мамлакатимизда улкан иқтисодий ва маданий салоҳиятга эга бўлган Андижон вилоятига бағишланди.

Шу муносабат билан Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида фестивалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Олий Мажлис матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов, Андижон вилояти ҳокими ўринбосари Қ.Убайдуллаев сўзга чиқиб, вилоятда истиқлол йилларида барча соҳаларда, айниқса пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришда улкан муваффақиятларга эришилаётгани ҳақида гапирди.

Дарҳақиқат, вилоятнинг кўпмиллатли аҳли мустақиллигимизнинг 10 йиллигини муносиб кутиб олмоқда. Андижонлик ғаллакорларнинг давлатга ғалла сотиш шартнома режасини куни кеча муваффақиятли бажаргани бунинг яна бир яққол далили бўлди. Таъкидламоқ керакки, ғалладан олинган ўртача ҳосил 75 центнерни ташкил этди. Бу ҳамма ҳам эришавермайдиган улкан муваффақиятдир.

Вилоятда хориж сармоясини кенг жалб қилиш ва уни экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовордир. «Андижон дурдонаси», «Фларуп ойл» сингари қўшма корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам маш-ҳур. «Андижон кабель», «Андижон электродвигатель» корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари тобора кўпаймоқда.

Кўргазмага қўйилган «Олтин дери» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси маҳсулотларини кўриб кўзингиз қувонади. Маҳаллий хомашёдан замонавий урф ва услубда тикилган юқори сифатли чарм маҳсулотлари хорижникидан қолишмайди.

«ЎзДэуавто» қўшма корхонасининг янги маҳсулоти - «Матиз» енгил автомобили фестивал кўркига, айниқса, кўрк қўшди. Истиқлолимизнинг қутлуғ 10 йиллигига тўёна сифатида тайёрланаётган бу гўзал автомобиллар байрам арафасида харидорлар қўлига тегади. Беминнат дастёримизга айланган «Дамас»,»Нексия», «Тико» автомашиналарининг маҳаллийлаштирилган бутловчи қисмларига ҳам кўргазмада кенг ўрин берилган.

Фестивалда намойиш қилинаётган зарбоф тўнлар, нафис кашталар, мисгарлик, ўймакорлик, кулоллик, заргарлик буюмлари миллий қадриятларимиз вилоятда нақадар эъзоз топаётганидан далолатдир. Ҳунарманд уста А.Мадраҳимовнинг заковати туфайли қайта кашф этилган «Дилнаво» чолғу асбоби, Д.Эшматов ихтиро қилган ўзи тебранадиган бешик томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Андижон тасвирий ва амалий санъат коллежи талабалари Р.Расулов, С.Акбаржонова, Б.Умаров чизган расмларда эса тобора равнақ топаётган юртимизнинг бетакрор ҳусн-жамоли, халқимизнинг эзгу орзу-ўйлари теран акс эттирилган.

Бир сўз билан айтганда, фестивал мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан муваффақиятларни Андижон вилояти мисолида яққол намойиш этмоқда.

(ЎзА).

Касаба уюшма ҳаёти

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг навбатдаги мажлисида «Тошкент вилояти касаба уюшма қўмитасининг 2000-2004 йилларга мўлжалланган касаба уюшмаларининг Ҳаракат дастурини бажаришдаги ташкилий ишлари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

КАМЧИЛИКЛАР РЎЙ-РОСТ АЙТИЛДИ

Вилоят тармоқ қўмитаси ва унинг тасарруфидаги касаба уюшмалари қурултой қарорлари ва Ҳаракат дастурини бажариш бўйича бир қатор ишларни амалга оширганлар. Вилоятда ўтган йили жамоа шартномаларини бажариш учун катта миқдордаги маблағ сарфланган бўлиб, бу кўрсаткич ҳар бир ходим учун ўртача 99,5 минг сўмга тўғри келади. Республика меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси меъёрларига риоя қилишнинг назорати, корхоналарда маданий-оммавий, жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари, ходимлару фаолларни ўқитиш борасида ҳам сезиларли ишлар бажарилди.

Ўтган йили вилоят корхоналари ишчи-хизматчиларининг 1763 нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда дам олди. 905 нафар меҳнаткаш тармоқ санаторий-профилакторийларида даволанди. 123 киши сиҳатгоҳларда, 137 нафар киши пансионатларда ҳордиқ чиқарди. Вилоят касаба уюшма қўмитаси томонидан 2000 йилнинг май ойида ўтказилган спартакиадада «Оҳангаронцемент», «Бекободцемент» ва ТМК ҳиссадорлик жамиятларининг спортчилари фаол иштирок этдилар. Вилоят ташкилотларида спортнинг шахмат, шашка, футбол ва бошқа турлари бўйича мусобақалар ташкил этилмоқда.

Мажлисда вилоят қўмитасига қарашли касаба уюшмаларида олиб бориладиган ижобий ишлар билан бирга, хато ва камчиликлар ҳам рўй-рост айтилди. Бир қатор бошланғич қўмиталарга Ҳаракат дастури шу йилнинг январ ойида, яъни орадан бир йил ўтгандан сўнг юборилган бўлиб, корхоналарда мазкур ҳужжат на муҳокама этилган, на бир тадбир белгиланган. У вилоят тармоқ қўмитасида ҳам юзаки муҳокама этилиб, ўтган йилнинг 14 августида номига низом ишлаб чиқилган.

Натижада «Ўзбекшахтақурилиш», «Электромонтаж», Олмалиқ монтаж бошқармаси, 3-АТК, 16-КМЖ корхоналари касаба уюшма ташкилотларида иш режалари тузилгану, бироқ қўмита мажлисларида тасдиқланмаган. Қатор жамоаларда эса ишчи комиссиялари тузилмаган. Юқори касаба уюшмалари ташкилотлари қарорлари бажарилишининг назорати суст. Айрим бошланғич қўмиталар мажлислари баённоларида на сана, на мажлис раисининг ва котибининг имзоси бор.

Кўпгина жамоаларда иш ҳақидан қарздорлик 1 ойдан 5 ойгача муддатни ташкил этади. Лекин баъзи касабақўмлар шу масалани дадил кўтаришга журъатлари етишмаяпти.

Техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича назоратнинг бўшлиги оқибатида баъзи корхоналарда бахтсиз ҳодисалар юз берди. Шикастланганлар ва ишлаб чиқаришда жароҳатланиб ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига товон пули тўлашда қонунбузилиши ҳолларига ҳам йўл қўйилмоқда. Бир мисол. 2000 йилнинг апрелида Чирчиқдаги «Саноаттехмонтаж» корхонаси ишчиси бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этди. МҚ аралашуви билан бахтсиз ҳодисадан бир йил ўтгач, унинг икки қизига тўланиши лозим бўлган нафақани ундириш тўғрисида буйруқ чиқарилди. Ваҳоланки, марҳум қарамоғида балоғатга етмаган болалари борлигини вилоят қўмитаси билмаслиги мумкин эмас эди. Чунки, техник меҳнат назоратчиси ходимнинг ҳалок бўлиш сабабларини текширишда қатнашган ва бу ҳодиса қўмита раёсатининг сайёр мажлисида жойида муҳокама ҳам этилганди. Шундай бўлишига қарамай, болаларнинг тақдири ҳеч кимни қизиқтирмаган.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент вилояти тармоқ касаба уюшма қўмитасининг 2000-2004 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг бажарилиши мажлис қатнашчиларини қаноатлантирмади. Мазкур нуфузли ташкилотда ишларнинг бу даражада сусайиб кетиши ачинарли ҳол, албатта.

Йиғилиш ушбу масала бўйича тегишли қарор қабул қилди. Ўйлаймизки, вилоятлар ва бошланғич касаба уюшма қўмиталари юқорида келтирилган камчиликлардан хулоса чиқариб, ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда туб ўзгариш ясайдилар.

Бахтиёр РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси.

ОЛИС ЙЎЛ ЯКИН БЎЛДИ

Элликқалъа туманидаги «Донмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари авваллари ғаллани тозалаш, навларга ажратиш учун 140 километр йўл босиб Нукус шаҳридаги махсус корхонага қатнашга мажбур бўлишар эди. Эндиликда қўриқ тумани ғаллакорлари бу машаққатдан қутилишди. Ҳиссадорлик жамияти қошида Германиянинг «Петкус» фирмасидан келтирилган саралаш ускуналари ўрнатилиб, ишга туширилди. Янги кичик корхонада соатига икки тоннагача ғаллани тозалаш, навларга ажратиш ишлари бажарилмоқда.

ЖАМҒАРМАНИНГ АҲОЛИГА ҚЎМАГИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир қўшимча чоратадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги Қарорини амалга оширишда халқаро Оролни қутқариш жамғармаси Нукус филиали ҳам фаол иштирок этяпти. Улар иқтисод қилинган маблағ ҳисобидан сув танқислигидан энг кўп азият чеккан ҳудудлар аҳолисига 2 миллион 400 минг сўмлик озиқ-овқат етказиб берди. Жумладан, Тахтакўпир туманидаги «Довкора», Қораўзак туманидаги «Қуролпа», Бўзатов туманидаги «Қоралқалпоқ» ва Мўйноқ туманидаги энг олис «Қозоқдарё» овулларига 24 тонна ун ва ун маҳсулотлари олиб борилди.

Бундай саховат ёрдамлари, нодавлат ташкилотлар, жамғармалар томонидан ҳам амалга оширилмоқда.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

ТАШМАЧИЛАР

Мухбиримиз бонг уради

Ғалла инсон учун энг азиз неъмат. Дастурхонга қўйиладиган бир бўлак нон бободеҳқоннинг қанчалик машаққатли меҳнати эвазига келишини ҳаммамиз яхши биламиз. Унинг ушоғини ҳам увол қилмаслик даркор. Ўрим-йиғимни Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 14 майдаги Қарори асосида ташкил этган Қарши тумани ғаллакорлари ҳосилни нобудгарчиликсиз саранжомлаб олиш учун астойдил тер тўкмоқдалар. Бунда туман ички ишлар бўлими ходимлари уларга камарбаста бўлаяптилар.

Туман ҳудудида 7 та муқим назорат пости ташкил этилган. 96 нафар милиция ходими, 36 нафар маҳалла посбони ҳамда 210 нафар фаоллар мавсум уюшқоқлик билан тинч-хотиржам ўтишини таъминлашда жонбозлик кўрсатмоқда.

Кўпнинг ризқига кўз олайтириш гуноҳи азим. Афсуски, буни айрим кимсалар унутиб қўймоқда. Маълумотларда келтирилишича, ИИБ ходимлари томонидан бир марта донни талон-тарож қилиш, 11 та майда ташмачилик ҳолатлари аниқланди. «Н» исмли омбор мудири 3000 килограмм буғдойни сотаётганида сири фош бўлди. Бу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди.

— «Бешкент» жамоа ширкат хўжалигининг Потрон қишлоғида яшовчи Х.Давронов буғдой ўғирлагани учун туман суди томонидан 4900 сўм жаримага тортилди, - дейди туман Ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Усмон Иброҳимов. — Шунингдек, «Янгибоғ» хўжалигининг Янгибоғ қишлоғида яшовчи М.Турдиева, Б.Дилмуродовларнинг моли ғаллазорга кириб, 12 квадрат метр майдондаги ҳосилни пайҳон қилгани учун улар ҳам жарима тўлашди.

Қисқаси, кўпчилик ризқига кўз олайтирганлар йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйилаяпти.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

УЧҚУДУҚНИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

Имконият ва самара

ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙДИ

Учқудуқ тумани Навоий вилоятининг шимолида, чўл минтақасида жойлашган. У вилоят марказидан 300 километр олисда.

Учқудуқ Зарафшон шаҳридан 90 километр масофадаги ичимлик сув тармоғидан оби ҳаёт олади. Яйловларида эса артезиан қудуқлари истеъмол сув манбаи ҳисобланади.

Туман ҳудудидан жами 851 километрли автомобил, шу жумладан 835 километр республика аҳамиятига молик магистрал йўл ўтган.

Туманда кўплаб ер ости ва ер усти бойликлари бор. Бу маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлайдиган тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес корхоналари эгалари ҳамда сармоядорлар билан ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар яратади.

Айни пайтда у ердан қимматбаҳо металлар, тошлар, мармар, гранит, минерал бўёқлар қазиб олинмоқда ва шу жойда қайта ишланмоқда. Қоракўл тери, жун ва гўшт етиштирувчи 5 та ширкат хўжалиги чорвадорлари юртда маъмурчилик яратилишида муносиб ҳисса қўшяптилар. Ишга яроқли аҳолининг 50 фоизи саноатда, 10 фоизи қишлоқ хўжалигида, 7 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 6 фоизи маиший хизмат ва соғлиқни сақлашда, тўққиз фоизи халқ таълими ҳамда маданият соҳаларида меҳнат қилаётир.

Тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАКИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

иш билан таъминлаш борасида қатор муваффақиятлар қўлга киритилди. Бу масала билан товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, деҳқон ва фермер хўжаликлари, тадбиркорлар касаба уюшмаси, ишбилармон аёллар ташкилоти сингари бозор инфратузилмалари фаол шуғулланаяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2001-2002 йилларда кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналари сонини 240 тага етказиш режалаштирилган. Шунингдек, шимолий руда қазиш бошқармаси негизида бир қатор кичик ва хусусий корхоналар, микрофирмалар, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи шохобчалар ташкил қилиш кўзда тутилган. Шу билан бирга маҳаллий хом ашёдан гилам, хуржун тўқиш, миллий кийимлар, сандиқ ва эгарлар тайёрлаш, ўтовларни безовчи буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Қўйлар бош сонини кўпайтириш учун фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Ободонлаштириш ишларига эътиборни кучайтириш, қурилиш материалларига бўлган талабни қондириш мақсадида ғишт, керамзит ва плиталар ишлаб чиқарувчи хусусий корхоналар ҳам ташкил этиш ниятимиз бор. Мавжуд 2 та кўлда эса балиқчиликни ривожлантириш чоралари кўрилаяпти.

Италия линиясини ўрнатиб, мармар плиталар тайёрлайдиган кичик корхона очиш учун 51 миллион сўмлик бизнес режа ишлаб чиқилди ва айни пайтда у «Ўзсаноатқурилишбанк»да экспертизадан ўтказилмоқда.

Шунингдек, шимолий кон бошқармаси учун ишчи коржомалари, қоплар, қадоқлаш анжомлари ишлаб чиқарадиган корхона бунёд этиш учун сўнгги тайёргарлик ишлари кетаяпти.

Кичик ва ўрта бизнес соҳасини малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида ҳисобчи, ҳуқуқшунос, менежментлар тайёрловчи курслар очилди. Тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган ахборотларни «Интернет» тармоғидан оладилар.

Яқин келажакда тижорат банклари томонидан тадбиркорлар учун 299 миллион сўмлик кредитлар ажратилади. Шундан 99 миллион сўмлиги бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан бўлади.



И.ХАСАНОВ олган суратлар.

Юртбошимиз кўп бор таъкидлаганларидек, қаерда ишбилармонлар қўллаб-қувватланиб, уларга зарур шароитлар яратиб берилса, ўша ерда ривожланиш бўлади, фаровонлик таъминланади. Бундан тегишли хулоса чиқарган, туман ҳокимлиги тадбиркорликка қўл ураётган ҳар бир фуқаронинг интилишини маъқуллаб, уни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаётир. Зеро, бу ҳаракат юртни фаровон этишга хизмат қилади.

Ахтам ЭРГАШЕВ,
Учқудуқ тумани ҳокими.

Ҳамма нарса инсон учун

ЧЎЛДА ТЕМИР ЙЎЛ БЕКАТИ

Учқудуқ-Мискин темир йўли қисқа фурсатда қурилиб, фойдаланишга топширилиши тарихий воқеа бўлди. 2000 йилнинг апрелида иш бошланган бўлса, шу йил январдан янги темир йўлдан юк поездлари қатнай бошлади. Мазкур юмушни Қашқадарёдаги 214-йўл қурилиши трести азаматлари жадал суръатларда олиб бордилар. Айниқса, Барот Бегимов, Шариф Қурбонов бошлиқ бригадалар аъзолари намуна кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Учқудуқ шаҳридан 10-15 километр берида темир йўл ёқасида вагонлар, ҳашаматли бинолар кўзга ташланади. Бу 2-Учқудуқ станцияси. Кутиш зали ва маъмурий хоналардан иборат ушбу салобатли бино зарур асбоб-ускуналар, замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Ҳозир станция атрофида темир йўлда ишловчилар учун 10 оилага мўлжалланган уйжой қурилиши охирлаб қолди. 2 та уй кўчиб киришга тайёр қилиб қўйилди. Мустақиллик байрами куни бу ердан биринчи йўловчи поезд Қорақалпоғистоннинг Мискин манзилига йўл олади. Шу куни станция ва турар-жой бинолари фойдаланишга топширилади. Тўйга тўй уланади.

Шоҳруҳ САРИЕВ.

Фарзанд олдидаги бурч

ЁШЛАР САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

Жамиятимиз ривожланиб, тараққий этиб боргани сари таълим-тарбия соҳаси олдига масъулиятли талаблар қўйилаяпти. Уларни бартараф этиш эса ҳаммамизнинг бурчимиз. Бугунги кунда Учқудуқ тумани ва шаҳри ҳудудида битта техникум, битта лицей, касб-ҳунар билим юрти, 29 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатяпти. Уларда 9524 нафар толиби илмлар таълим олмоқда. Мазкур билим даргоҳлари билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Хусусан, вояга етмаганлар ўртасида кенг қўламли тушунтириш ишлари олиб борилаяпти. Ёшлар томонидан ҳар қандай қонунбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида кечки бар, ресторан, чойхона, кафеларда рейдлар уюштириляпти. Туман ва шаҳар ҳудудида «Оила», «Ҳисоб» деб номланган тадбирлар амалга оширилди. Шу йилнинг беш ойи мобайнида ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг 7 та йиғилиши бўлиб ўтди. Уларда оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисида 5 та, ҳомийлик ва васийлик юзасидан 2 та, жиноий ишни рад этиш бўйича 1 та, ундан ташқари яна 29 та масала кўриб чиқилди. 9 нафар вояга етмаганлар Зарафшон шаҳар «Шодлик» меҳрибонлик уйига жойлаштирилди. «Оналар ва болалар» йили муносабати билан 1-20-феврал кунлари ўтказилган тадбирда мактабга бормасдан, ўқишдан бўйин товлаб юрган болаларни зиё масканига қайтариш мақсад қилиб қўйилди.

Унда ички ишлар бўлими вояга етмаганлар билан ишлаш нозирлари ва ўқитувчилар фаол қатнашди. Шундан сўнг 12 ўқувчи ўқув даргоҳларига қайтди. 9-мактаб ўқувчилари Сергей Иванов, Артур Иванов, 10-мактаб ўқувчиси Викуль Катириналарнинг волидалари ўз фарзандлари олдидаги бурчларини унутиб, уларни кўчага ташлаб қўйганликлари учун оналик ҳуқуқидан маҳрум этилдилар. Бугунги кунда ИИБнинг вояга етмаганлар билан ишлаш нозирлигида 48 нафар ўсмир ҳисобда турибди. Улар билан белгиланган режа асосида тарбиявий ишлар олиб борилмоқда. Ҳар ҳафтанинг жума кунлари Учқудуқ туманлараро прокуратурасида ана шу ўсмирлар, уларнинг ота-оналари ва нозирлар ўртасида суҳбатлар бўлиб ўтади.

Шуниси эътиборлики, ўсмирлардан 16 нафари ёз давомида ўз ота-оналарига моддий ёрдам кўрсатишга истак билдирди. Улар туман прокуратураси ёрдами билан саноат корхоналарига ишга жойлаштирилди. Ёшлар меҳнатидан фойдаланишда Меҳнат кодекси талабларига қатъий риоя қилиш шарти қўйилди. Қолганларини эса дам олиш оромгоҳларига жўнатиш тадбирлари белгиланди.

Бугун Учқудуқда болалар тарбиясига ҳамма ўзини масъул деб ҳисобламоқда. Натижада вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг беш ойига нисбатан олти марта камайди. Бир сўз билан айтганда чўл ўртасидаги ораста ва гўзал шаҳарда ҳам осойишта ҳаёт таъминланмоқда.

Облоқул АЗИМОВ,
Учқудуқ туманлараро прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

Фахр

СОҒИНЧ

Ҳар ким ўз шаҳри, тумани билан фахрланиб яшайди. Бироқ, асл чўлқуварлар маскани бўлмиш Учқудуқ ҳақида ҳар қанча гапирилса оз. Гоҳо одамларга меҳр билан назар ташлайман. Мустаҳкам иродали, ўта тадбиркор, чўл жазирамаси-ю, қишнинг қаҳратонини писанд қилмай меҳнат қилаётган инсонлар юксалиш сари дадил одимлаётган туманимнинг фахри-ғуруридир!

Истиқлол кенг имкониятлар эшигини очди. Кончилар, тадбиркорлар, чорвадорлар минг бор шукроналар айтиб, меҳнатда янги-янги ютуқларга эришмоқдалар. Бундан ўн йил аввал ким ўйлабди чўлнинг қоқ ўртасида темир йўл бекати бўлишини? Маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлайдиган корхоналар ишга туширилганлиги қорақўлчилар, кончилар фарзандлари замонавий касбларни пухта эгаллашларига имкон яратди. Қаерга борманг турли миллат вакиллари қўлни-қўлга бериб ишлаётганликларининг гувоҳи бўласиз. Зеро, кимнинг ким эканлиги оғир шароитда тезроқ билинади. Ўзбек, қозоқ, қирғиз, рус ва бошқа миллат ва элат вакиллари ҳамиша бир-бирларига ҳамкору мададкор.

Баҳром САРСЕНОВ,
тадбиркор.

Санъат

КОНЧИДАН ЧИҚҚАН ИСТЕЪДОДЛАР

Мустақилликнинг ўтган даври «Современник» маданият уйи жамоаси учун ҳам юксалиш йиллари бўлди. Бундан 34 йил мукаддам қурилган ижодиёт уйи биноси замон талабларига мослаб тўла таъмирланди, деворларига безак ва шакл берилди.

Навоий тоғ-кон металлургия комбинати ҳамда жанубий руда бошқармаси, биринчи касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда ишчи-хизматчилар меҳнати самарадорлигини ошириш, юз берган оилавий муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Мана 10 йилдирки, корхона цех ва бўлинмаларида ташкил топган гуруҳлар ўртасида танловлар ўтказиш анъана тусига кирган. Айниқса, Наврўз байрами куни турли миллат қизлари, келинчаклари иштирокида ўтказилган «Қизилқум гули» кўрик-танлови ўзининг жозибадорлиги билан барчага манзур бўлди.

Шуни мамнуният билан айтиш керак, мутасаддилар маданият уйига саҳна жиҳозлари, махсус кийимлар сотиб олишга етарли миқдорда маблағ ажратди. Жамоамизга Миля Понамарева, Вероника Коненко, Есенали Барақбаев, Музаффар Ануарбеков, Арман Аҳметов сингари ташкилотчи бадиий раҳбарлар келишди. Улар ҳаваскорларга санъат сирларини ўргатишда бор билим ва маҳоратларини ишга солишмоқда.

Ўтган йили комбинат директорлар кенгаши маданият уйи қошида мусиқачи ва вокалчилардан иборат профессионал даста тузиш ҳақида қарор қабул қилди. «Фарҳод» маданият уйида ушбу гуруҳ тез-тез ранг-баранг концертлар бермоқда. Истеъдоди билан мухлислар ва устозлар назарига тушган санъаткорлар Мереу Шилманов, Сережар Жанахметовни Тошкентдаги дискка овоз ёзиш студиясига таклиф этишди.

Учқудуқ нафақат кончилар шаҳри, бу ерда санъат юлдузлари ҳам камолга етмоқда. Улар мустақил юртда фаровон ҳаёт яратаётган одамларга шодлик ва қувонч улашишмоқда.

Галина ОВЧИННИКОВА,
«Современник» маданият уйи директори.

САВОБ ИШГА ШЕРИКМИЗ

Ижтимоий ҳимоя

Ота-боболаримиз «Қайси юртга борсанг, аввал бозорларини айлан. Шунда халқи қандай яшаётганини биласан», дейишади. Бу гапда кўп маъно мужассам. Бозор элнинг кўзгуси. Жумладан, дўконлар ҳам. Энг чекка қишлоқдаги савдо шоҳобчасида ҳамма нарса муҳайё бўлса, демакки, аҳолининг рўзғордан кўнгли тўқ, ишида унум бор.

Савдо корхонамиз тумандаги «Оққўрғон» ва Сегизбоев номидаги хўжаликлар аҳолисига хизмат кўрсатади. Улар туман марказидан олисда. Шу боис, салкам 17 минг кишининг озиқ-овқатида узилиш бўлмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриб қўямиз. Мақсад харидор излаб келган маҳсулотини олиб қайтсин.

Асосий вазифамиз нон ишлаб чиқариш ва савдони ташкил этиш, шу билан бирга кам таъминланган оилалар, ёлғиз яшовчи кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларига баҳоли-қудрат моддий, маънавий ёрдам бериб келяпмиз. Буни инсоний бурчимиз, деб биламиз. Наврўз байрами муносабати билан камхарж кишиларга 42 минг сўмлик эҳсон қилинди. Хотин-қизлар байрамида эса опа-сингилларимизга 17 минг сўмлик совға-саломлар улашилди.

Ёш авлод етук билим олиши учун давлат миқёсида амалга оширилаётган ишларнинг қўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Савоб ишдан биз ҳам четда турмайлик, деб 34-ўрта мактабнинг битта синфини тўлиқ таъмирлаб бердик. Энди янги ўқув йили арафасида кам даромадли оилалар фарзандларига дарсликлар олиб бериш ниятидамиз.

Кексаларни ҳурмат қилган ҳеч кам бўлмайди, дейдилар. Отахон-онахонлар фахримиз, дуоси эзгу ишларда ҳароҳимиз. Хотира ва Қадрлаш кунида уруш фахрийларига 10 минг сўм моддий ёрдам бердик. Маросимлар ўтказишга 25 минг сўм сарфланди. Шунингдек, жамоамиз аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида етти кишига 17100 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Меҳнатда ўрнак кўрсатаётган новвой ва сотувчилар рағбатлантирилди. Касб байрамимиз муносабати билан ишловчиларга мукофот пули тақсимланди. Бу ишларни бошланғич касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширяпмиз.

Оналари соғлом, фарзандлари бақувват юртда барча эзгу мақсадлар рўёбга чиқаверади. Мамлакат равнақи, қудрати ҳам шунда. Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш тадбирига 33 минг сўм ўтказдик. Яқинда ходимларимиздан Ортиқой Сувонова, Феруза Абдуллаева, Гулбаҳор ва Гулнора Мирзаевалар ўғил-қизлари билан мароқли дам олиб қайтдилар. Улар бориб келиши учун «Дамас» машинаси берилди. Бунга корхона ҳисобидан 20 минг сўм харажат қилинди.

Ҳудудимиздаги Ҳамза номли маҳалла фаоллари билан бамаслаҳат иш тутамиз. Бирон тадбир ўтказиладиган бўлса, албатта қарашамиз. Кўпга дастурхон ёзилса, ёғ, гуручини берамиз. Маҳалла оқсоқоли Хонимқул ака Ҳамдамов тавсияси билан яқинда ёрдамга муҳтожларга 22 минг сўмлик кўмак берилди.

Қозонда бўлса, чўмичга чиқади. Олинаётган соф фойданинг баракали бўлаётгани савобли ишларимиз қўламини кенгайтирмоқда. Шу йилнинг ўтган беш ойида барча соҳалардаги режалар ошириб бажарилди. Аҳолига белгиланганидан 8,5 миллион сўм кўп савдо хизмати кўрсатилди, 6 миллион сўмлик нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Мавжуд 20 та дўкон таъмирланди.

Ҳадемай мустақиллигимизнинг 10 йиллигини нишонлаймиз. Тўйга тўёна ҳозирлаш азалий удумларимиздан. Биз ҳам ушбу шодиёнага қизғин тайёргарлик кўряпмиз.

Тўра КАРИМОВ,
Оққўрғон туманидаги «Нурафшон» хўжалик ҳисобидаги савдо корхонаси раҳбари.

ТЎЙГА ТЎЁНА

Биринчи ярим йиллик якунланмаган бўлса-да, «Тошкент трактор заводи» давлат акционерлик жамияти меҳнаткашлари деҳқонларимизга турли русумдаги 2064 та ҳайдов трактори етказиб берди. Бу билан улар ҳукуматимиз ва шахсан мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг топшириғини муддатидан олдин бажарди.

Тракторсозларнинг муваффақияти «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси таркибига кирувчи барча корхоналарнинг фаолиятига ижобий таъсир қилди. «Тошқишлоқхўжаликмаш», «Ўзбекқишлоқхўжаликмаш», «Чирчиққишлоқхўжаликмаш» корхоналари, мотор, агрегат заводлари ва бошқаларда иш жонланди.

«Ўзқишлоқхўжаликмаш-лизинг» компаниясининг ташкил этилиши ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Эндиликда ишлаб чиқариш корхоналари тайёр машина ва агрегатларни сотиш ҳақида қайғурмайди. Улар ўз меҳнатлари учун доим юз фоиз ҳақ олади. Бу компания ташкил этилиши истеъмолчиларга ҳам қулайлик яратди. Улар техника учун етти йил давомида пул тўлаш имкониятига эга бўлди.

Буларнинг ҳаммаси «Тошкент трактор заводи» да маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 4,5 марта ошириш имконини берди.

Тошкент тракторсозлари ўз меҳнат ғалабаларини Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлади.

(ЎзА).

МЕНИНГ БИЛИМДОН ЎҚУВЧИЛАРИМ

АКСЕЛС танлови ғолиблари

Ш.Йўлдошева, Зарбдор туманидаги иқтидорли болалар лицейи инглиз тили ўқитувчиси:

— Мен ҳозирги нурафшон давр билан ўтган турғунлик йиллари ўртасидаги тафовутни қиёслагим келади. Бир пайтлари инглиз тили фанига эътибор берилмасди. Шундай вақтлар бўлдики, баъзи чет тили ўқитувчилари бошқа соҳаларга ўтиб кетишди. Ўқитувчиларнинг чет мамлакатларга бориб малака оширишлари ҳаёлга ҳам келмайдиган иш эди, ўшанда.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ёшларимиз тараққий этган давлатларга бориб, таҳсил олиш бахтига муяссар бўлдилар. Ўқитувчилар ҳам халқаро анжуманларда қатнашиб, фикр алмашиб, тажрибаларини оширмоқдалар.

Мен меҳнат қилаётган лицейда қатор ижобий ишлар қилинмоқда. Тинчлик Корпуси, АКСЕЛС, Британия ваколатхонаси, Сорос-фонди кабилар билан яқин алоқа ўрнатганмиз. Тинчлик Корпусининг кўнгиллилари Tude Olivetti ва Salli Olson билан биргаликда ишлаб келмоқдамиз. Мен 2000 йил АКСЕЛС танлови ғолиби бўлиб, АҚШда етти ҳафталик халқаро анжуманда қатнашиш бахтига мушарраф бўлдим. Лицейимизга 6000 АҚШ доллари қийматида техника жиҳозлари олиб келинди. Шунингдек, ўзим 600 АҚШ доллари миқдорида китоб ва ўқув қуроллари билан тақдирландим. 1999 йили Британия ваколатхонаси томонидан ташкиллаштирилган «Муаллифлик дастури»нинг ғолиби деб топилдим ва шуни фахр билан айтмоқчиманки, 2001 йил 1 сентябрдан бошлаб қўлланиладиган янги инглиз тили дарслигидан менинг 4 та мавзуим ўрин олган.

Лицейимизда таълим олаётган кўплаб ёшлар инглиз тилини чуқур ўрганишга ҳаракат қилишаяпти. Шуҳрат Холиқов Англияда ўқиб келди. Ботир Пардаев Канадада таҳсил олмоқда. У ўқиш билан биргаликда илмий ишлар ҳам олиб бораяпти. Шогирдимнинг қатор илмий мақолалари Канаданинг иқтисод журналларида чоп этиб турилибди. Лицейда тил ўрганиш марказини ташкил этишга киришганмиз.

Ҳ.Мустафокулова, Жиззах туманидаги 28-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси:

— Биз XXI асрда яшаяпмиз. Бу аср — компьютер, телекоммуникациялар, масофавий таълим асридир. Буларни бошқариш учун бизнинг келажак авлод энг аввало компьютер тили бўлган инглиз тилини мукаммал билиши лозим.

Мен бу тилни мустақил юртим фарзандларига ўргатаётганимдан фахрланаман. 1998-1999 йилларда «Британия кенгаши» томонидан ўтказилган «Миллий дарслик ёзувчилари» мусобақасининг республика ғолиби бўлдим.

Тил ва таълим ўргатиш бўйича Америка ҳамкорлик ташкилоти АКСЕЛСнинг 3 йил давомида ғолиби деб топилдим. Бу билан ҳозирги кунда энг долзарб бўлган замонавий технологиялар - компьютер, нусха кўчириш аппарати билан тақдирландим ва бир маҳаллий муаммони ҳал қилишга ўз ҳиссамни қўшдим. Чунки чекка қишлоқ мактаби ўқувчилари ҳам эндиликда компьютер техникаси билан имкон даражасида танишишга, ўзларига керакли адабиётлардан нусха кўчиришга ва ўз билимларини оширишга муваффақ бўлишяпти.

Умуман олганда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури»нинг биринчи босқичида бажарилиши лозим бўлган ишлар амалга оширилди, деб ўйлайман. Республика Ўқитувчилар съездидан кўп нарсаларни кутаяпман. Ҳамюртларим мени ҳам съездга делегат этиб сайлашди.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратда: АКСЕЛС танлови ғолиблари, моҳир ўқитувчилар Ш.Йўлдошева ва Ҳ. Мустафокулова.

Муаллиф олган сурат.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат

Ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасида Япония ҳукумати гранти асосида харид қилинган умумий қиймати 80 минг 273 АҚШ долларига тенг «Toyota» ва «Isuzi» русумидаги тўртта амбулансни топшириш маросими бўлди.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси юртимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол инсон бўлиб вояга етиши, оналик ва болаликнинг муҳофоза этилиши йўлида ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жамғарманинг бу борада АҚШ, Германия, Нидерландия, Япония каби мамлакатларнинг юртимиздаги ваколатхона, компания ва ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб бораётгани эътиборга моликдир.

Ана шу ҳамкорлик натижаси ўлароқ, ўтган йили Самарқанд шаҳридаги эндохирургия марказига хорижда ишлаб чиқарилган эндоскопик асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари топширилган эди. Шу билан бирга, Тошкент, Нукус, Чирчиқ, Наманган ва Андижондаги болалар тиббий реабилитация муассасалари, шифохоналар, «Она ва бола» марказлари замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди.

Янги тез ёрдам машиналари - амбуланслар ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга хизмат қилади. Улар яқин кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон ва Наманган вилоятларининг энг чекка туманларидаги шошилинч тиббий ёрдам марказлари ихтиёрига берилади.

(ЎзА).

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

САВОЛ: Ишчи иш бўлмаганлиги сабабли 3 ойлаб ишга келмаган, кейин соғлиғи ёмонлашиб унга касаллик варақаси очилган. Лекин унинг ойлик маоши бўлмаганлиги сабабли унга касаллиги учун нафақа тўлаш муаммоси пайдо бўляпти. Бу масала қандай ҳал қилинади? Агарда унга энг кам иш ҳақи доирасида нафақа чиқарилса тўғри бўладими?

Т.МАҲКАМОВ,
Қамаши туман касаба уюшма қўмитаси йўриқчиси.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 9 апрелда 430-сон билан рўйхатга олинган «Давлат ижтимоий суғурта бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 14-қисмига мувофиқ ходим иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлган даврда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланса нафақа берилмайди дейилган. Ушбу таътил тугагандан кейин ҳам меҳнатга қобилиятсизлик давом этса, нафақа ходим ишга тушиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

Шунингдек, ушбу Низомнинг 24-қисмига асосан корхонада иш вақтинча тўхтатилган даврда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган ҳолда ходим кўрсатилган давр тугагандан кейин ҳам касаллик давом этса, унинг ишга тушиши лозим бўлган кундан бошлаб нафақа тўланади.

Агар ходимнинг меҳнатга қобилиятсизлик даври ишга тушмасдан олдин тугаган бўлса, иш вақтинча тўхтатилган давр учун вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси берилмайди.

САВОЛ: 25 йилдан бери II-гуруҳ ногирони бўлган 47 ёшли қизим — Қурбонова Роҳатни парвариш қилиб келмоқдаман. Олти минг сўм пенсияси дори-дармонга етмайди, пенсиядан ташқари ҳеч қаердан ёрдам йўқ. Қонун бўйича II-гуруҳ ногиронларига қандай имтиёзлар бор?

И.НАБИРАЕВ, Сирдарё тумани

ЖАВОБ: Қонун ҳужжатларида II-гуруҳ ногиронлари қуйидаги имтиёзларга эга:

- касалхоналарда, даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод этиладилар;
- икки йилда бир маротаба бепул сиҳатгоҳ йўлланмаси билан таъминланадилар;
- тиббий хулосага асосан протез-ортопедия буюмлари, эшитиш аппаратлари ва ногиронлар аравачасини бепул олиш ҳуқуқига эга бўладилар;
- ишловчи II-гуруҳ ногиронлари ойлик иш ҳақларидан даромад солиғи тўлашдан, мол-мулк солиғидан, ер солиғидан озод этиладилар.

Шунинг билан бирга қизингиз ногирон, сиз ҳам пенсияда бўлсангиз ўзингиз яшаб турган маҳаллага ёрдам сўраб мурожаат этишингиз керак. Ҳозирги кунда маҳалла қўмитаси айнан қийналган, ортиқча даромад топиш имконияти бўлмаган (ногиронлиги ёки кексалиги сабабли) оилаларга ёрдам пули ажратмоқда.

Муаммо кўндаланг қўйилади

ИШДАГИ ШИКАСТЛАНИШ

Унинг туб сабаблари нимада?

Чустдаги «Ғалаба», Пахтачидаги А.Аллаёров, Шероботдаги Э.Бердиев номли хўжаликларда дунёдан ўтган А.Абдурахимов, Э.Қулбоев ва А.Шукуровлар оилалари ҳам моддий ёрдамни муддатида олишолмаган.

Республика илмий ишлаб чиқариш марказига қарашли «Қизилравот» тажриба хўжалигида 2000 йил август ойида қатор меҳнаткашлар бахтсиз ҳодисага учрадилар. Машъум воқеа оқибатида икки нафар аёл вафот этди, бир аёл оғир жароҳатланди. 7 киши эса турли даражада шикастланди. Аммо бу хабар юқори идораларга етиб бормаган. Хўш, маҳаллий рахбарларнинг бу хатти-ҳаракатини қандай баҳоламоқ керак? Бу инсон тақдирига лоқайдликми, вазифасига масъулиятсизликми ёки ҳамма билиши шарт эмас, гап кўпаймасин, деб виждонга хилоф иш тутишми? Орадан кўп ўтмай, шу хўжаликда яна бир одам ҳалок бўлди. Ҳодиса юзасидан ҳам Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига вақтида маълумот берилмаган. Пешку туманидаги Ибн Сино номли хўжаликда ўтган йил январида механизатор А.Абдуллиннинг вафоти ҳатто туман, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларида ҳам ҳисоботга киритилмаган.

Кўп жойда меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги вазифаси бошқа мутахассисларга юклаб қўйилиши ҳам нохуш воқеалар сабаб бўлмоқда. Масалан, 36 та туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида шундай ҳол аниқланди. Ва аксинча, Бекобод туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг техника хавфсизлиги бўйича муҳандиси зиммасига марказий таъмирлаш устахонаси мудирлиги вазифаси юклатилган. Унинг устига штат бўйича ишлаётган кўпчилик мутахассисларнинг маълумоти ва малакаси талабга жавоб бермайди. Биргина Чиноздаги 13 та хўжаликдан фақат 3 тасининг мутахассиси олий маълумотли, холос.

Баъзи туманларда ҳанузгача бу муҳим ишга етарли аҳамият берилмай келинаётгани ҳам кишини ташвишлантиради. Ўқишлар ташкил этилмаётир. Техника хавфсизлиги бўйича муҳандислар ўз вазифаларини фақат кириш йўриқномасини ўтказиш, деб биладилар. Ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилмайди, махсус дафтарларда қайд этилмайди. Меҳнат муҳофазасига оид ҳоналар ажратилмаган. Борлари ҳам меъёрий ҳужжатлар, кўргазмали қуроллар билан таъминланмаган.

Қатор хўжалик ва ташкилотларда хавфли ҳамда зарарли жойларда ишловчилар касблари бўйича ўқитилмаяпти. Электрчи, электргазпайвандчи, темирчиларни тегишли гувоҳномаларсиз ишга қўйиш ҳоллари учрамоқда. Кўпгина устахоналарда техника ва механизмлар очиқ майдонларда сақланади ва таъмирланади. Уларни кўтариб қўядиган махсус таянчлар етишмайди. Филдиракларни таъмирлаш, дамлаш учун алоҳида ҳимояланган жойлар мавжуд эмас. Таъмирчилар махсус кийим, ҳимоя воситалари билан таъминланмаган. Бунга Қоракўлдаги «Зарафшон», Балиқчидаги «Ғалаба» хўжаликларини мисол келтириш мумкин.

Шу каби камчиликлар қисман бўлса-да «Ўзпаррандасаноат» акционерлик ассоциацияси корхоналарида ҳам мавжуд. Шунингдек, айрим корхоналарда технологик ускуналарнинг айланма қисмлари техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда ишлатилмоқда. Электр токини тақсимлаш шкафларининг эшиклари очиқ қолдирилган. Баъзи цехларга электр хавфидан огоҳ этувчи белгилар қўйилмаган.

Шу билан бирга улардаги касаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилиш, профилактика ва иш жараёнида жароҳатланишнинг олдини олиш борасида талаб даражасида фаолият кўрсатмаяпти. Содир этилган бахтсиз ҳодиса, ишловчилар учун соғлом ва хавфсиз шароитлар яратиш масалалари биронта бошланғич ёки туман касаба уюшма қўмитасида кўриб чиқиб, муҳокама қилинганми тўғрисида ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Бобур номли ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан 2001 йилга ҳалигача жамоа шартномаси тузмаган. Вақоланки, йилнинг ярми ўтди.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА. Қишлоқ хўжалиги мамлакатимизда энг етакчи соҳа. У инсонни тўйдиради, кийинтиради, мамлакат хазинасини бойитади. Қишлоқ хўжалигида бажариладиган юмушларни саноат ёки қурилишдаги каби аниқ бир иш вақти жадвалига солиб бўлмайди. Шундай долзарб дамлар бўладики, тунлар тонгга уланади.

Соҳа вакилларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга хавфсиз иш шароити яратиш, кўнгилли дам олишини ташкил этиш тегишли идоралар мутасаддиларининг доимий вазифаси бўлиши лозим. Чунки қишлоқ хўжалигида йил ўн икки ой бир мавсум иккинчисига уланаверади.

Маълумотларда келтирилишича, ўтган йили далада ишловчилар турли тан жароҳати олишлари натижасида 2405 иш куни йўқотилган. Уларга касаллик варақалари бўйича 488 минг сўм тўланган. Маълум муддат ўша шикастланган инсонларнинг саломатлигига путур етган ва қимматли вақти бой берилган.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар тобора чуқурлашмоқда. Жамоа хўжаликлари ўрнида мустақил деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил топмоқда. Ҳозир уларнинг сони 54 мингга етди. Улар янада кўпаяди. Энди ана шу мустақил деҳқон хўжаликлари аъзоларини ҳам ижтимоий ҳимоялаш масалаларини охиригача ҳал этиш даркор. Буни ҳаёт, дейдилар. Ишлар доим бир текис кетади, ҳеч нарса бўлмайди, деб ҳеч ким кафолат бермайди. Буни асло унутмаслигимиз, ҳушёрлик ва эҳтиёткорликни бўшаштирмаслигимиз лозим.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,
«Ишонч» мухбири.

(Давоми. Боши газетанинг 97-сонида)

НАМАНГАН ҚОҒОЗИ

Бундан олти йил муқаддам Наманганда қоғоз ишлаб чиқариш ҳаракати бошланган эди. Наманган уйсозлик комбинати ўзига қарашли бўш ётган бинони шу корхона учун ажратганди. Германиянинг «ЭКОТЕХ» фирмаси билан тузилган шартномага биноан зарур асбоб-ускуналар келтирилди.

— Кейин эса иш бирданига тўхтаб қолди. Маълум бўлишича, «Наманган-Текстил» акциядорлик жамиятининг қозонхона қуввати янги ташкил этилган корхонани таъминлай олмади. Бир йил муқаддам Буюк Британиянинг «Квак стоп групп холдинг» компанияси билан шартнома тузилди, - деди «Туркистон-пресс» мухбирига қўшма корхона директори Жўрахон Ҳошимов. — Жаноб Житендра Пател бошчилигидаги инглиз мутахассислари бу ерда жуда катта ҳажмда қурилиш монтаж ишлари олиб боришди. Ҳар бир цех, хона жаҳон андозаларига мослаб жиҳозланди. Россиядан келтирилган целлюлозадан дастлабки синов тариқасида қоғоз ишлаб чиқарилди.

Орадан 4 ой ўтди. Корхонада 300 тонна олий навли ёзув қоғози ишлаб чиқарилди. Бугунги кунда бу ерда 100 нафар ишчи ишламоқда. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач эса 150 нафар одам ишлаши мумкин бўлади.

— Ҳозир биз Россиядан келтирилган хом-ашё ҳисобидан ҳар куни етти-саккиз тонна юқори сифатли қоғоз ишлаб чиқармоқдамиз, - деди Жўрахон Ҳошимов, - йил охиригача эса пахта линтидан целлюлоза ишлаб чиқарувчи цех ўз фаолиятини бошлайди. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач аввалига 5 минг тонна, кейин эса йилига 20 минг тонна қоғоз тайёрлаш имконига эга бўлади.

ФЕРМЕРНИНГ КОНСЕРВА ЗАВОДИ

Марҳаматлик фермер Тошмирза Нуриевнинг ташаббуси билан 240 нафар ҳамқишлоқлари иш билан таъминланди.

Тошмирза Нуриев ўзининг «Шуҳрат» фермер хўжалигини мустақилликнинг дастлабки кунларида барпо этганди. Ўшанда у «Истиқлол» жамоа хўжалигининг адир майдонларидан 300 гектар ерни ижарага олди.

— Бу йиллар мобайнида фермер хўжалигимиз пахта, ғалла, сабзавот, мева, узум ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирадиган кўп тармоқли корхонага айланди, - деди Т.Нуриев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Кўпгина ёшларнинг ишсиз юрганлигини, шунингдек, деҳқонларнинг ўз маҳсулотларини сотиш муаммоларини ҳисобга олиб, Андижон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган консерва заводини сотиб олишга қарор қилдик.

Т.Нуриевнинг айтишича, эндиликда корхона Марҳамат ва қўшни туманлардаги фермерларни юқори ҳосилли сабзавот кўчатлари билан таъминлайди, сўнгра улар томонидан етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш учун қабул қилади.

Сабоқ

ОИЛА ФОЖЕАСИ

Хонага оддийгина кийинган аёл кирди. Ёнида етти-саккиз ёшлардаги сочлари қўнғироқ қизча, қўлида эса бир варақ қоғоз. Ҳокисоргина аёлнинг ғижимланиб кетган аризасини ўқиб кўраркан, Қўшработ туман ИИБ бошлиғи Ботир Турсунов ўйга толди. Синчков нигоҳини қаршисидаги аёлга тикди.

— Эрингиз ишлаб, пул топиб келаман деб уйдан чиқиб кетганича икки ойдан бери қайтмадими? — такрор сўради бошлиқ. Аёл бош ирғаб, тасдиқлади.

— Қариндошларникида эмасмикан?

— Йўқ, суриштирдик, - деди Ойниса қатъий қилиб (исмлар ўзгартирилган). — Охирги вақтларда жуда ўзгариб кетдилар. Шундан хавотирдаман.

Аёлнинг гап оҳангида қандайдир безовталик, бесаранжомлик бор эди. Бу нарса ИИБ бошлиғининг эътиборидан четда қолмади. Хуллас, бедарак йўқолган Ғ.Жалоловга нисбатан қидирув эълон қилинди. Лекин масаланинг тагига етиш осон бўлгани йўқ. Қилни қирқ ёрадиган изқуварлар роса бир йил деганда воқеа тафсилотларини аниқлашди.

... Ғофурнинг бадфеъл, баджаҳллигини бутун қишлоқ биларди. Шу жумладан хотини Ойниса ҳам. Оиладаги оддийгина мунозара ҳам деярли ҳамиша жанжал билан тугарди. Шунда Ғофурнинг-жиззакилиги тутиб, хотинини, сўнгра болаларини дўппослашга тушарди. Аввалига қариндошлар, қишлоқ аҳли уларнинг ўртасига тушиб кўришди. Бироқ фойдаси бўлмади. Рўзғордаги бу машмашаларга охири ҳамма кўникиб қолди ҳам. Ахир, йигирма йилдан бери шу аҳвол: дока рўмол ҳеч қуримайди...

... Ўша куни Ғофур бозорда ул-бул сотиб, уйига қайтди. Ҳамма пулни санаб, белбоққа тугди. Хотинига овқат келтиришни кўрслик билан буюрди.

— Отаси, қизчаларимизга мактаб учун нарса олишимиз керак эди, - деди Ойниса илтижоли оҳангда, - ўғилларингизнинг ҳам бўйи етиб қолди. Энди сеп йиғаверсам дегандим...

— Пулдан оғиз очма! — Ғофурнинг бу дағдағасидан Ойнисанинг гапи бўғзида қолди. Нарёғига эри болахонадор сўзларни қалаштириб ташлади, хотинининг бошига мушт туширди. Бу пайтда болалар қўшни хонага беркиниб олишган, катта фарзанд Алишер эса бошини чанғаллаганча пичирлаб, нималарнидир илтижо қиларди. Ҳартугул Ғофур бу сафар болаларга тегмади. Сўкина-сўкина ухлаб қолди.

Ойниса эса аламу хўрликдан олов бўлиб ёнарди. Нима қилаётганини, нима деяётганини фаҳмламасди. Алишерга «отангни ўлдираман» дедими ёки «отангни ўлдир» дедими, эслай олмайди. Ташқарига чиқиб кетган Алишер бироздан сўнг қўлида болта билан кириб келди. Болта қон эди! Ўғил уни бир четга улоқтириб, «Мен отамни ўлдирдим» - деди ва ўзини онасининг кучоғига ташлаб, ҳўнграб юборди. Кичкинагина Гуласал: «Энди бизни ҳеч ким уймайдими?» деб, чучук тиллари билан бидирлади. Анча вақт она-бола ўзларига келолмай саросимада қолишди. Сўнг маслаҳатлашдилар-да, мурдани ахлатхонага ташлаб, кўмиб юбордилар. Ҳа, фожеа ана шу йўсинда содир бўлди.

Яна бир ўғил Асқар чўпон эди. У тоғдан қайтганида воқеани Ойнисанинг ўзи айтиб берди. Одамларга оталари Ғофур Жалолов ишлаб пул топиш учун узоққа кетган, деб айтишга келишиб олдилар. Аммо у қачонлардир қайтиши, ҳеч бўлмаса ундан хабар келиши керак-ку? Шундагина Ойниса ёлғон ариза кўтариб, туман ИИБга борди...

Қонун нуқтаи назаридан айбдорларга тегишли жазо тайинланди, албатта. Аммо масалага мантиқан, инсонийлик нуқтаи назаридан ёндошганда бу жиноятнинг келиб чиқишига энг аввало отанинг ўзи сабабчи эмасмиди? Унинг жоҳиллиги оиласини жаҳолат ботқоғи томон етаклаб келмадими? Тўғри, қотилликни, падаркушликни асло кечириб бўлмайди. Лекин айтмоқчимизки, инсон маънавиятига оиладаги, қишлоқдаги муҳит алоҳида таъсир ўтказади. Жоҳил, кўрс, оила фарзандлари олдидаги масъулиятни унутган ота бу хунук кўргуликнинг сабабчисидир.

М.АБДУРАҲИМОВА,
Самарқанд вилояти ИИБ матбуот гуруҳи ходими.
Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ташаббус сўнмасин!

"ПАХТАОЙ"ДА ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ

«Пахтаой» Андижон вилоятидаги энг гўзал оромгоҳлардан бири. Жалолқудуқ туманидаги кўркам гўшада жойлашган бу маскан соясалқин. У ўзининг ўрмон-боғи, зилол суви, гулзорлари-ю, хиёбонлари, турли-туман спорт майдончалари билан кўпчилик назарига тушган. Оромгоҳ ёнидан Оқбўра сойи шаркираб оқиб ўтади.

Оромгоҳда ҳар йили 750-800 ўқувчи ўз саломатлигини тиклаб, мириқиб ҳордиқ чиқаради. Бу мавсум ҳар қачонгидан қувноқроқ, мазмунлироқ, таассуротларга бой бўлмоқда. Чунки, оролбўйилик ўғил-қизлардан 50 нафари маҳаллий болалар билан бир оила аъзоларидек, аҳил-иноқ бўлиб, ҳордиқ чиқаришмоқда.

Биз буни қорақалпоғистонлик болалар ва тарбиячиларнинг ўзларидан эшитмоқчи бўлдик.

— Таърифга сўз йўқ, - дейди тарбиячи Гулнорахон Матчонова. - Андижон заминига қадам қўйганимиздан бери алоҳида меҳр, ҳурмат ва ғамхўрлик оғушидамиз. Андижон темирйўл вокзалида карнай-сурнай, гулдасталар, ўйин-кулги билан кутиб олинганимиздан кейин мазкур оромгоҳга олиб келишди. Олдиндан ҳамма нарса тайёрлаб қўйилган экан. Эрталаб Маънавият хонаси вакиллари уюштирган «Ўз ҳақингда сўзлаб бер» давра ўйинидан сўнг меҳмон ва мезбон болалар ўзаро танишиб олдилар.

Биз стол тенниси билан шуғулланаётган қизларга яқинлашдик.

— Асли шуманайликман, - дейди Ойпарчахон, - Фарғона водийси ҳақида, Андижон ҳақида кўп эшитгандиму, лекин ўз кўзинг билан кўрганинг бошқа экан. Жудаям сўлим жойлар, қараб тўймайсан киши. Айниқса, бу ерда кўплаб дўстлар орттираётганимни айтмайсизми? Зерикиш нималигини билмаяпмиз. Бунинг учун оромгоҳ раҳбариятига, касаба уюшма ташкилотларига мингминг раҳмат айтсак, оз.

Қорақалпоғистондан келган 500 нафар бола Андижоннинг энг яхши 9 та оромгоҳига жойлаштирилган. Балиқчи туманидаги Охунбобоев номли, «Дилором», Марҳаматдаги «Бинокор», Булоқбошидаги «Шифокор» масканларида дам олаётган оролбўйилик болакайлар айниқса, мамнун. Улар оромгоҳларда бўлган вақтимиз биз учун ҳеч унутилмас кунлар бўлиб колади, дейишмоқда.

М.АБДУКАРИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг: Тошкент, Самарқанд вилоятлари ва Фарғона водийсининг соғломлаштириш оромгоҳларида Қорақалпоғистон Республикасидан 15 минг ва Хоразм вилоятидан 5 минг боланинг ёзги дам олишини ташкил этиш... бўйича таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қароридан.

КАСАБА УЮШМА ЙЎЛЛАНМАСИ

Қорақалпоғистонлик 500 нафардан ортиқ бола Наманган вилоятидаги ёзги соғломлаштириш масканларида дам олиб, уйга қайтди. Иккинчи сменада 750 киши дам олади. Улар ҳам вилоятдаги энг яхши болалар оромгоҳларига жойлаштирилди.

Оролбўйи болалари учун қизиқарли ва сермазмун дам олиш дастури ишлаб чиқилган. Ёзги масканларда деярли ҳар куни энг яхши бадиий жамоалар, вилоят мусиқали драма ва комедия театри, халқ цирки артистлари иштирокида томошалар уюштирилмоқда. Ёзги таътил даврида Наманган вилоятида 1500 нафар қорақалпоғистонлик бола дам олади ва саломатлигини тиклайди.

Вилоятнинг «Косонсой», «Чортоқ» сиҳатгоҳларида Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгаши ажратган йўлланмалар бўйича келган қорақалпоғистонлик аёллар ўз фарзандлари билан бирга дам олади. Шу мақсадда 50 та бепул йўлланма ажратилган.

(ЎзА).

ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва қийин эрувчи металлар комбинатига қарашли «Гулзор» болалар оромгоҳида 125 нафар хоразмлик болалар ҳордиқ чиқармоқдалар. Шунингдек, бу ерда Ўзбекистон металлургия комбинати ишчиларининг 300 нафар болалари ҳам дам олишмоқда. Оромгоҳда болажонлар учун барча шароитлар яратилган.

Яқинда «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси дирекцияси ва касаба уюшма қўмитаси вакиллари оромгоҳда бўлишиб, хоразмлик болаларга 170 минг сўмлик доридармон воситалари совға қилдилар. Шу куни хоразмлик ва тошкентлик болалар гуруҳлари ўртасида дўстлик кечаси ҳам ўтказилди.

Н.ЖАЛИЛОВ.

БУ ЕРДА СПОРТНИ СЕВИШАДИ

Меҳнаткашлар фарзандларини соғломлаштириш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис, оромгоҳларда ҳордиқ чиқараётган болаларнинг ҳар бир куни мароқли ўтиши учун турли қизиқарли тадбирлар ва спорт мусобақалари ўтказиб борилади. Бу борада айниқса, «Алгоритм» очиқ акциядорлик жамиятининг болаларни соғломлаштириш оромгоҳида олиб борилаётган тарбиявий, маданий-спорт тадбирлари ибратлидир. Айни пайтда бу ерда 880 нафар бола, шу жумладан, 200 нафар қорақалпоқ фарзандлари, 23-Меҳрибонлик уйидан келган 32 нафар тарбияланувчи мириқиб ҳордиқ чиқармоқда.

— Нукусданман. 17-мактабда ўқийман. Бу йил 5-синфга ўтдим, - дейди Анвар Обидов. - Тоғ ҳавоси ёқди. Овқатлари яхши. Қизиқарли спорт ўйинлари жони дилим. Айниқса футбол, курашни яхши кўраман. Тенгдошларим билан қалин дўстлашиб кетдим. Имкон бўлса, келаси йили ҳам келардим.

Волейболнинг ёшлар ўртасида оммавийлашиб боришида моҳир мураббий М.Колесниковнинг хизматлари катта. Шу билан бирга таниқли волейболчи, Ўзбекистон Республикаси Олимпия қўмитасининг вице-президенти, олимпия чемпиони Лариса Павлова ва икки маротаба олимпия ўйинлари ғолиби Вера Дуюнова оромгоҳнинг азиз меҳмони. Болаларнинг дўстига айланишиб, улар ўртасида спортни, жумладан, волейболни ривожлантиришга муносиб улуш қўшмоқдалар.

— Спортни севган, у билан шуғулланган инсон қалбида ҳар доим эзгулик яшайди, - дейди Л.Павлова. - Қисқаси, «Алгоритм» болалар оромгоҳида бошқалар қатори қорақалпоғистонлик болалар ҳам ўз уйларидагидек ўйнаб-кулиб ҳордиқ чиқаришмоқда. Бунга уларнинг чеҳраларидаги табассумлари-ю, кўтаринки кайфиятлари гувоҳлик бериб турибди.

Улуғбек ПЎЛАТОВ.



УЛАР БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

Самарқанд вилояти оромгоҳларида бу йил Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан 2 минг нафар бола дам олдирилиши режалаштирилган.

Айни кунларда 675 нафар ўғил-қиз турли корхона ва ташкилотларга қарашли «Дўстлик», «Учқун», «Баҳора», «Сетора», «Алпомиш», «Соғлом авлод» ва Зариф Эргашев номли оромгоҳларда ёз таътилини сермазмун ўтказишмоқда.

Оромгоҳларда уюштирилаётган турли хил тадбирларга вилоят, туман ҳокимликлари ҳамда касаба уюшма қўмиталари бош-қош бўлишмоқда. Энг асосийси эса болажонларнинг бу ерда яратилган шарт-шароитлардан мамнунлигидир. Бола кулса олам кулади, деб бежиз айтишмаган донолар.

Рустам ҚУРБОН,
«Ишонч» мухбири.

Тошкент вилояти Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси жорий мавсумда 26 та мактаб қошида оромгоҳлар ташкил этди. Уларда жами 2500 нафар боланинг дам олиши режалаштирилган. Айни кунларда мактаб-оромгоҳлар болажонларни ўз қучоғига олган.

МАКТАБ ҚОШИДА ОРОМГОҲ

Ушбу соғломлаштириш оромгоҳлари ишини намунали ташкил этиш, ўғил-қизларни дам олдиришни маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлар билан биргаликда олиб боришда вилоят тармоқ қўмитаси томонидан ташкил этилган ўқув семинарлари қўл келмоқда.

Улардан бири «Кундузги соғломлаштирш оромгоҳлари фаолиятини юритишда касаба уюшма қўмиталарининг роли» мавзуига бағишланди.

Унда Тошкент вилоят касаба уюшмалари мутахассислари ҳамда педагог ходимлар малакасини ошириш институти вакиллари болалар ўртасида маънавият ишларини олиб бориш, спорт-соғломлаштириш тадбирларини йўлга қўйиш каби масалалар бўйича йўлланма ва маслаҳатлар бердилар. Шунингдек, семинар иштирокчиларига амалий ёрдам сифатида ёзги оромгоҳлар фаолияти тўғрисидаги Низом, тавсия ва услубий қўлланмалар топширилди.

М. ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

КОСОНСОЙНИНГ МАФТУНКОР ТОНГИ

Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари азал-азалдан қон-қардош, қуда-қудағай. Уларнинг ўзаро дўстлиги кўп бор ҳаёт синовларидан ўтган. Оролбўйи минтақасида аҳвол бир мунча мураккаблашган бугунги шароитда бу дўстлик яна бир бор ҳаёт синовидан ўтмоқда.

— Дарҳақиқат, тарихимизга чуқурроқ назар солсангиз, бу икки халқ дўстлиги илдизлари ғоят теранлигига гувоҳ бўласиз, - дейди Наманган вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг раиси Каримжон Раимжонов. - Бинобарин, биз қорақалпоғистонлик ўқувчиларни бажонидил қабул қилдик. Бу масъулиятли вазифа агросаноат мажмуи ходимлари ҳамда давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма вилоят қўмиталарининг зиммасига юклатилди. Вилоятимизнинг сўлим гўшаси Косонсой туманидаги «Олмазор» ҳамда «Соҳил» болалар оромгоҳлари ёш меҳмонларимиз ихтиёрига бериб қўйилди. Боғ ва полизларимизда етилаётган ширин-шакар мевалару қовун-тарвузларгача улар дастурхонига инъом этилмоқда.

Вилоят Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси раиси М.Жалилов билан «Соҳил» оромгоҳига етиб келганимизда, болалар жисмоний тарбия билан шуғулланишаётган экан. Косонсой сув омборидан эсаётган майин шабада танангизга ором бағишласа, тоғлар ва боғлар, ям-яшил экин майдонлари қалбингизда ажиб ҳислар уйғотади. Ошхона, спорт майдончалари, «Маънавият хонаси» ва кутубхоналарни кўздан кечирдик.

— Болалар тўрт маҳал овқатлантирилади, - дейди оромгоҳ раҳбари Абдуфаттоҳ Бозоров. - Нонуштага, асосан, тухум ва сутли овқатлар, ҳар хил ширинликлар берилади. Тушликда дастурхонга тўйимлироқ ҳисобланган суюқ ва қуюқ овқат ҳамда мева, полиз маҳсулотлари тортилади.

Спорт майдончалари, маданий-маърифий хоналар ёш ҳордиқ чиқарувчиларнинг севимли масканига айланган.

— Кергели туманиданмиз, - дейди тарбиячи Парфигул Юсупова. - Мен 5-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Фарғона водийси, хусусан, Наманган вилояти ҳақида кўп эшитгандим ва шундай гуллар диёри, ям-яшил масканни кўришни ёшликдан орзу қилиб юрардим. Ниҳоят, бу ёз ниятимга етдим. Ҳақиқатан ҳам Косонсой мен тасаввур қилганимдан ҳам гўзал жой экан.

Қорақалпоғистонлик ўқувчилардан Света Абиева, Наргиза Айтберганова, Саломат Юсупова, Қувватали Абдураҳмоновлар ҳам мириқиб дам олиб, янги дўстлар орттирганлари ҳақида жўшиб гапириб беришди.

— Ёзги таътилнинг биринчи босқичида вилоятимиз оромгоҳларида 500 нафардан ортиқ қорақалпоқ фарзандлари ҳордиқ чиқараётган бўлса, таътилнинг иккинчи босқичида ҳам камида яна шунча ёш меҳмонни кутиб оламиз, - дейди К.Раимжонов. - Мақсадимиз дўстларимизнинг жондан суйган фарзандларини ўз боламиздек асраб авайлашдир. Зеро, бизнинг биродарлигимиз абадий, барҳаёт яшайверади.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.



ТОҒ ҲАВОСИ - ТАН ДАВОСИ

• репортаж •

Бўстонлиқ туманидаги Юсуфхона қишлоғида жойлашган «Наргиз» болалар оромгоҳига кириб борганимизда вақт пешиндан ошиб қолганди.

— Мен Янгибозор туманидаги 1-мактабнинг 7-синфида ўқийман, - дея ўзини таништирди қизлардан бири. — Оромгоҳда барча шароит яратилган. Бунинг устига тоғ ҳавоси, ажойиб манзара. Хуллас, таассуротларим чексиз. Шундай шароит яратиб берган корхона раҳбарларига раҳмат.

— Мазкур маскан Тошкент вилояти марказий машина-трактор парки «Таъминотсервис» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига қарашли, — дейди оромгоҳ бошлиғи Гулираъно Абдураззоқова. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш учун барча имкониятларни ишга солмоқдамиз. Айни пайтда бу ерда 305 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқаришмоқда. Шундан 102 нафари Хоразм вилоятидан келишган. Улардан турли жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам тез-тез хабар олиб туришибди. Мана, бугун ҳам «Соғлом авлод» жамғармаси вакиллари дори-дармон топшириб кетишди. Оролбўйидан келган болаларнинг тақдирига ҳеч ким бефарқ қарамаяпти.

Ҳақиқатан ҳам оромгоҳда мавсумга пухта тайёргарлик кўрилган. Ҳудудни айланиб бунга ишонч ҳосил қилдик. Ошхонада ҳам болалар суюб тановвул этадиган таомлар тайёрланмоқда. Бош ошпаз Саид Тожиевни суҳбатга тортдик.

— Болаларга мавсум давомида мазали ва дармон дориларга бой овқатлар тайёрлаб бериш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз, - дейди у. — Айрим озиқ-овқат маҳсулотларини Ғазалкент шаҳридан, гўшт-сутни эса тумандаги «Ҳикмат» фермер хўжалигидан келтиряпмиз.

Йўлда кетаётиб, мўъжазгина бинога дуч келдик. «Маънавият ва маърифат» хонаси, «Моҳир қўллар» тўгараги ҳамда кутубхона шу ерга жойлашган экан. Хонадаги жавонларга республикамиз Президентининг асарлари, бадиий адабиётлар дид билан териб қўйилган. «Моҳир қўллар» тўгараги ҳам гавжум. Биз Яшнар Юсуповни суҳбатга тортдик.

— Мен тасвирий санъатга қизиқаман, - дейди у. — Тоғ манзаралари мен учун янгилик. Этюдлар чизишни бошлаб юбордим.

Оромгоҳдаги тиббий хона ҳам талаб даражасида жиҳозланган.

— Хоразм вилоятидан келган болалар ичида камқонлик, қон босими касаллигига учраганлар бор, - дейди оромгоҳ бошлиғи. Ҳозирда улар ҳордиқ чиқариш билан бирга даволанишмоқда ҳам. Дори-дармон етарли.

Шу пайт бош етакчи Сайёра Умарова бизни оромгоҳнинг очилиш маросимига таклиф қилиб қолди.

Қоронғу тушди.

Марказий майдон кундузгидек ёритилган. Гуруҳлар саф тортиб туришибди. Республикамиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Шундан сўнг қўшиқ-куй садолари атрофни тутиб кетди. Тантаналар анчагача давом этди.

Н.РАФИҚОВ.
«Ишонч» мухбири.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Марказий қўмитанинг собиқ маслаҳатчиси

Патто НУРМИРЗАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2524. 1 2 3 4 5 6